

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 18 март  
Сотувда эркин нархда  
№ 57 (1838)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

**АЙЛАНДИ МИЛЛАТЛАРМИ**

**СЕПАҒБА ХАБАРЛАРИ**

## ЭШИТДИНГИЗМИ?

### БАНКЛАР СОНИ УЧТАГА КЎПАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз банк тизмида соғлом рақобат муҳитини яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳужжат асосида республика Марказий банки томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Марказий банк бошқаруви шунинг 16 мартдаги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида «Ал Жамол-банк» (Низом сармояси 40 млн. сўм миқдорда), «Туркистон» (17 млн. 450 минг сўм), «ХИФ-банк» (21 млн. сўм) хусусий очик акциядорлик-тижорат банкларига банк фаолияти билан шуғулланишлари учун лицензиялар берилди. Улар тегишли тартибда республика тижорат банкларини рўйхатга олиш китобига киритилди.

Шунингдек, Марказий банк тижорат банкларини рўйхатга олиш комиссиясининг шунинг 10 мартдаги қарорига биноан, Қарши шаҳридаги «Уктам-банк» хусусий очик акциядорлик-тижорат банкига ҳам банкни ташкил этиш борасидаги фаолиятини давом эттириши учун дастлабки рухсатнома берилди.

## ИБРАТ

### СОВРИНГА ДАЪВОГАРЛАР

Албатта кўп, — дейди маҳалалар ишчи муовини Қарши туман бўлимининг раиси Эргаш Усаров. — Чунки бу йил Оила йили муносабати билан туманимизда ва «Энг намунали маҳала» ва «Энг ибратли оила» танлови ўтказилди. Унда маҳалла ва ҳар бир оиланинг жамиятда тутган ўрни, ободлиги, озодлиги, томоққаларда барпо этилган боғ, нотинч оилаларнинг, беморларнинг эътибордан четда эмаслиги эътиборга олинди.

Ёшлар тарбиясига эътибор, оила ва мактаб, маҳалла ва оилаларнинг ҳамкорлиги, маънавият ва маърифат марказларидаги ташкил этилган ишлар ҳам танловнинг асосий шартларига киритилган. Албатта, битта танловда масаланинг бу қадар кенг қўйилишининг мақсади — яхшилик. Лекин танловнинг бошқа жиҳати ҳам бор. Ҳалиларни жуда катта миқдордаги пул ва қимматбаҳо совғалар кутаяпти.

Гули Чехра

## ЭХТИРОМ

### АЛПОМИШ БОҒИ

Бойсун шаҳрига киравериб афсонавий халқ қаҳрамони шарафига боғ барпо этиш мақсадида 25 гектар ер ажратилди. Айни чоғда лойиҳа ишлари амалга оширилмоқда, — деб хабарлайди сурхондарёлик Қ. Жўраназаров.

— Бу жойнинг табиий манзараси ниҳоятда гўзал. Бир томони адир, бир томони сой. Дов-даракларга бурканган.

Наврўз байрами арафасида бўлгуси боғда катта ҳашар ўтказиш мўлжалланган.

Бойсунликларнинг Алпомишга улғувор ҳайкал ўрнатиш орзулари ҳам йўқ эмас...

## ТАДБИР

### ҲУҚУҚИЙ КИНОЛЕКТОРИЙ


— Фарғона шаҳридаги Тўқмачлар маданият саройида «Ҳуқуқий кинолекторий» ўтказилди, — деб хабар беради мухбиримиз Н. Собир.

— Бу илгича тадбирга тўқмачлар шаҳарчаси ҳамда Охунбобоев даҳасидаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, техникумлар талабалари, маҳалаларнинг ёшлар билан ишлаш бўлимлари вакиллари таклиф этилди. Кинолекторийнинг айнан шу мавзуда ўтказилиши бежиз эмас. Охунбобоев даҳаси шаҳарнинг жамоатчилик тартиб-қоидалари кўпроқ бузиладиган жангилардан бири ҳисобланади.

Кечада милиция ходимлари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасидан вакиллар, шифокор ва судьялар ҳам ўз фикрларини баён этишди.

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55  
133-07-48, 136-37-85

«Совет миллари»нинг Эсиргап БОЛИЕВ кўзати.



## НАЗОРАТ ТАЪСИРЧАНЛИГИ УЧУН

Бўстон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилиши устидан таъсирчан назоратни ташкил этиш ҳамда назорат инспекциялари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига боғишланган минтақавий семинар-кенгаш бўлди. Унда Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий назорат инспекцияларининг бошлиқлари ҳамда Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятлари назорат инспекциялари вакиллари қатнашди.

Кенгашда Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш, бори-борида ислохотларни янада жадаллаштиришга доир кўрсатма ва йўл-йўриқларнинг ижро бўлиши таъминлаш юзасидан инспекциялар олдида турган вазифалар атрофида муҳокама этилди.

Семинар-кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т. Камоллов сўзга чиқди.

**А. ИСКАНДАРОВА,**  
ЎЗА мухбири.

Тошкентдаги 12-трестга қарашли 51-қурилиш бошқармаси бўёқдорларнинг шавқати улдувр. Бошқарма пайвалдовчиси Туров Шарифов (суратда)нинг таъкидлашича, марказдаги 3 қаватли «Супермаркет» ҳам бошқарма қурувчиларининг фидойи меҳнатлари туфайли яқин орада қад тикланиши.

**Тўлқин КАРИМОВ**  
олган сурат.

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессиясида қабул қилинган Таълим тўғрисидаги Қонун ҳамда Қарлар тейрафлаш буйича анъана бўлиб қолди. Айни вақтда соҳани ривожлантиришга, мактаб қурилишига ҳамда жойда ҳам жиддий эътибор берилмапти. Кўпгина қишлоқ мактабларида ҳатто олдий жиҳозлар ҳам етишмайди. Мактабларга ота-лик ёрдами бериш кўнгилдагидек эмас. Қарлар билан ишлаш, улар малакасини ошириш тўғрисида алоҳида гамхўрлик қилинмоғи лозим.

Ингилда республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев сўзга чиқди.

**Х. ШУКУРОВ.**

## ИПАК ЙЎЛИДАГИ АВТОКЕМПИНГ

«Андижон — Ўш» ва «Андижон — Жалолобад» автомобиль йўллари кесилишидаги жойда Андижон вилоятида биринчи автокемпинг жадал сурат билан қурилоқда. Уни 3-қурилиш трестига қарашли 106-механизациялашган кўма колониянинг бинадорлиги тиклашмоқда. Бу ерда болшақли мутахассислар билан бирга қанчалар катта миқдордаги автомобилларга техникавий хизмат кўрсатиш учун зарур ускуналар ўрнатиш ва соғлаш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

«Узавтосаноат» уюшмасининг ташаббуси билан мамлакатимизда саккизта автокемпинг қурилади, шундан биттаси Хўжаобод туманида Ўш шаҳри орқали Хитой Халқ Республикасига борадиган «Буюк Ипак йўли» да жойлашадиган автокемпинг бўлади.

**К. НИЗОМОВ.**

## ОЙНА

нонга тўйсин деган эзгу ният йўлида тинмай сая-ҳаракат қилинаётган бир пайтда майсани пайҳон қилиш нонқўрлик эмасми? Унинг увули тутмайдими?

## ИНСОФСИЗЛИК ЭВИ БИЛАН — ДА

ХАЛҚНИНГ РИЗҚ-РЎЗИ БЎЛГАН ГАЛЛАНИ Пайҳон ҚИЛИШ — ЖИНОЯТДИР

Республика прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йилнинг 21 ноябрдаги «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва уни ижроси юзасидан 1995 йил 6 ноябрда 1996 йил 25 ноябрдаги қарорларни талабларини аниқ бажарилиши устидан назорат давом этмоқда. Шу йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида галла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг 95 гектар майдонда пайҳон қилиниши билан боғлиқ қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, жавобгар бўлган шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилди.

Экинларни пайҳон қилиш ҳолатлари ушбу даврда, айниқса, Навоий, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида кўп бор содир этилди. Пайҳондан катта миқдорда моддий зарар етказилган айрим ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, жавобгарларга нисбатан тегишли тергов ҳаракатлари ҳам олиб борилмоқда. Жумладан, Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги «Зарбдор» жамоа хўжалигида яшовчи Ж. Тураров ушбу қарашли 100 бош қўйин 40 гектарлик майдонда очикдан-очик боққонлиги натижасида хўжаликка 23 минг сўмлик моддий зарар етказилган. Айни пайтда туман прокуратураси томонидан Тураровга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Сирдарё вилояти Ховос туманидаги «Чамбил» ширкатлар уюшмасида яшовчи Х. Холқулов эса шу йилнинг 16 январь кунинда ўз қорвасини қаровсиз қолдирилганлиги сабабли ушбу хўжаликнинг уч гектарлик галла экилган майдондаги дон мийсаларини пайҳон қилиб, 41 минг сўмдан ортиқ зарар етказган. Шунингдек, вилоятнинг Гулистон туманидаги «Бешбулок» деҳқон-фермер хўжалигида яшовчи А. Сарматовга қарашли 5 бош чорва моли 12

## ВАЗИРЛАР БИШКЕКДА УЧРАШДИЛАР

БИШКЕК. 17 МАРТ. Қирғизистон пойтахтида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси Бош вазирлари Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов, Қозоғистон Бош вазири Н. Балгимбаев ва Қирғизистон Бош вазири А. Жумагулов бошчилигидаги делегациялар иштирок этиди.

Музокаралар чоғида мамлакатлар ўртасидаги интеграция жараёнларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди. Жумладан, халқаро консорциумлар ташкил этиш буйича таклиф, шунингдек, Сирдарё ҳавзаси сув-энергетика ресурсларидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат инъомларидан тўғри фойдаланиш каби масалалар, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани соҳаларида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон республикаларининг ҳамкорлик дастури тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар лойиҳалари ҳамда кун тартибидagi бошқа қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Музокаралар натижасига кўра тегишли ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон бош вазирлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашар эканлар, улар иқтисодиётнинг кўллаб соҳаларида ҳамкорликнинг мустақамланаётганлиги тўғрисида мамнуният билан гапирдилар ва интеграцион жараёнларнинг бундан буёнги ривожланиши мамлакатлар саноат корхоналари иштини янада кучайтириш масалалари, шунингдек, шу ойнаги охирида Тошкентда бўлиши мўлжалланган Давлатлараро Кенгаш мажлисига тайёргарлик масалалари муҳокама этилди.

**Баҳодир МАМАЖОНОВ,**  
«Жаҳон» АА махсус мухбири.

## «ЯЛЛАМА ЁРИМ»НИНГ ЁШИ

КОНЧОЛИГИНИ НОЧ КИМ БИЛМАСЛИГИ РОСТ. НОЧ ДЕСАНГИЗ, УНГА СИЗ МУСИКА 8 ОХАНГИНИ ҚАЧОН Пойдо бўлганлигини топишингизга тўғри келди. Бу осон эмас.

Биласиз, энг қадимий манбалардан бири бўлган «Авесто» китоби (ардуштӣлик асосини Зардушт ибн Сафид Тумон томонидан ёзилган) эра-миздан аввалги VI-VII асрларда пайдо бўлган. Айрим қисмларини бизгача етиб келган бу ноёб асарда Хоразм мусиқа маданияти ҳақида сўз бориши... ёки «Авесто»даги маросимларнинг ижро услуби, мусиқа, кўшиқ, пантомима рақслари ҳақида эшитиб қайрон қолсангиз. Ва тибийки, шу ўринда савол туғилди: бу китоб билан биз яшаётган XX асрнинг энг сўнгги ўн йилликлари орасида еру осмонча фарқ бор-ку, бугун «Авесто» туғул, ҳатто «Қаро кўзум»ни ёхуд Ботир Зокиров ёқиб эртан ўлмас қўшиқларнинг тарихини зўра билдиришга нима дейсиз?

Йўқ, тарих ўз номи билан тарих. Уни ҳеч ким ортга қайтара олмайди, ўзгартирмайди ҳам. Мусиқа ҳам шундай ноқирероски, биз ўз тарихимизни қанча қадрасак, бетақорор мусиқамизнинг нуфузини шунча азиз билмоғимиз шарт. Шунинг учун Кеча ва Бугун ўртасида «Хитой девори» эмас, балки Бузилмас Кўприк турини керак. Озод ва ҳур Ўзбекистонда бу Кўприкнинг бунёд бўлаётганига эндигина етиг йил тўлаётди. Тарих учун лаҳзаларга тенг ҳисобланмиш бу муздақ аслида бизлар учун Миллий Ҳитойнинг фаслини ўтайтиш, десак муболаға бўлмас.

Дарвоқе, энди бевосита Бугунимиз ва бизнинг ҳам ташвишларимизга айланиб бораётган миллий мусиқамиз,



тўғриси, эстрада санъатимиз ҳусусида сўз юритсак.

Кечагина мамлакатимиз Президентининг телекран орқали миллий санъатимиз ҳақида куйиниб айтган гапларини кўпчилик кўрган ё эшитган бўлса керак. Бу куйинчилик ва бевоситалик замирида ҳаммаимизнинг дардимиз, қолаверса, миллий санъатимизнинг эртанги тақдирига боғлиқ жиддий муаммолар борлиги очикчасига айтилди.

Энди йўлаб кўринг, мусиқалар чек-чекчара йўқ. У ҳар биримизнинг ҳатто сўз билан ишол этиб бўлмайдиган кўнгли тубларимизга етиб боришда қандай сирсаноат бор? Умуман, бугун бизлар қайси муқаддий дўл билан ишаймиш-у, қандай ашула-қўшиқларни эшитамиз?

... Кеча ўзингиза митти бир «эксперимент» ҳам ўтказдик. Дуч келган турли ёшдаги ўн кишидан «Сиз кимларин ва қандай мусиқаларни эшитасиз?» деб сўрадик. Ун хил жаъоб:

- Маъмуржон Узоқов ва Комилжон Отаниёзов ашулаларини тинглайм...
- Ботир Зокировин!
- Ялла-ин!
- Рус миллий эстрадаларини!
- «Шаҳод» турдуини!
- Насиба Абдуллоева ва Кумуш Раҳмоновин!
- Муножот Йўлчиева ва Мария Саторовани!
- Феликс Киркоров, Татьяна Буланова, Узбеклардан Татьяна Мамозовин!
- Маъмуржон Тўхтасинов ва Даврон Ҳойиновин!
- Италия, француз эстрадаларини!

(Давоми 2-бетда).

## ДИКЛАРГА ЕТҚИЗЛАНГАН МОДИЙ ЗАРАРЛАРНИНГ УНДИРИЛИШИ БИЛАН БОГЛИҚ ҲОЛАТЛАР ЮЗАСИДАН 47 МИНГ СЎМДАН ОРТИҚ МАБЛАГ ИХТИЁРИ РАВИШДА УНДИРИЛДИ.

Ҳа, халқимиз қайишганга қайишди, қўлдангани қувватлайди. Манфаатимизга пўтур етказилган, эл ризқини қийган, қонуларимизни менсиматганлар эса асло кечирилмайди. Ҳар биримиз давр мураккабликларини ҳис қилган ҳолда шахсий манфаатдан воз кечшимиз, юрт, халқ фаровонлиги учун бир ёқдан бош чиқаришимиз даркор. Онгли равишда қурилган жамият ва давлат пойдевори мустаҳкам бўлган иморатини эслалади.

Болаларимиздан ота-боболаримиз нонинг бутунини ҳам, увонини ҳам эътизолан руҳида тарбиялаганлар.

Далаларда униб-ўсаётган майсага ҳам худди шундай муносабат зарур. Бугунги майса эртанги ризқу рўзимиз.

Аёнки фақат жазо билан, кўрқитиш билан қўлланган мақсадга эриша олмаймиз. Бу ҳар биримиз ва ҳаммамизнинг шууримизга, тарбиямизга кириб бориши керак бўлган муқаддас тўйғудир.

**Ғ. ШУКУРОВ,**  
Республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси катта прокурори, адлия маслаҳатчиси.

**Ғ. САНАЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.





# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ БАНКИ АҲОЛИГА ОМОНАТЛАРНИНГ ЯНГИ, ОИЛАВИЙ ВА БАЙРАМ ТУРЛАРИНИ

*таклиф этади:*

**МЕҲРИ ДАРЁ ОНАХОНЛАР ВА НУРОНИЙ  
ОТАХОНЛАР УЧУН МАХСУС ОМОНАТЛАР**



ЁШЛАРИМИЗ БАХТЛИ БЎЛИШСИН!

**ТЎЁНА - 32%**

**“Тўёна” жамғарма омонати**

2 йилгача мuddатга очиладиган бу омонат Сизга йилига 32% даромад келтиради. Дастлабки бадал камида 3 минг сўм. Мазкур омонат оилангиздаги муҳим воқеада Сизга мадад бўлсин.

**ТОПГАНИНГИЗ ТЎЙГА БЎЮРСИН!**

**САРПО - 33%**



**“Сарпо” жамғарма омонати**

3 йилгача мuddатга очилади. Фонд ставкаси йилига 33%ни ташкил этади. Дастлабки бадал камида 3 минг сўм.



**ОҚСОҚОЛ**

**“Оқсоқол” жамғарма омонати**

1 йил мuddатга очилади. Даромад йилига 25% миқдорда тўланади. Дастлабки бадал камида 1 минг сўм.

**МЕҲРИБОН ОНА**

**“Меҳрибон она” жамғарма омонати**

1 йил мuddатга очилади. Даромад йилига 25% миқдорда тўланади. Дастлабки бадал камида 1 минг сўм.

**НАВРЎ**

**- 70%**



**БАҲОРНИ ЭЗГУ НИЯТЛАР БИЛАН КУТИВ ОЛИНГ**

**“Наврўз” қисқа мuddатли омонати**

1 ой мuddатга очилади. Даромад йиллик ҳисобда 70% миқдорда тўланади. “Наврўз” омонатига камида 2000 сўм қўйилади. Сиз бу омонатни 1998 йил 9 мартдан 9 апрелгача исталган кунда очишингиз мумкин.

**ЯНГИ ЙИЛ ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!**

**КИЗИНГНИ БЕШИККА СОЛ -  
МОЛИНИ САНДИККА СОЛ!**

**Ёшингизга ёш кўшилсин! Жаннат оналар оёғи остидадир!**

СИЗ “ТЎЁНА”, “САРПО”, “ОҚСОҚОЛ” ВА “МЕҲРИБОН ОНА” ОМОНАТЛАРИГА ИСТАЛГАН МИҚДОРДА КЎШИМЧА МАБЛАҒ КЎЙИШИНГИЗ МУМКИН! СИЗГА ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ОМОНАТЛАРНИНГ HOҲЛАГАН ТУРИНИ ОЧИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ ИСТАЛГАН БЎЛИМИ ВА ФИЛИАЛИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН. КЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ОМОНАТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БОШҚАРМАСИДАН КЎЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН: 137-62-83, 137-62-81.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ БЎЛИМ ВА ФИЛИАЛЛАРИ

Бўлим ва филиаллар номи	Почта манзили	Тел. №№	Бўлим ва филиаллар номи	Почта манзили	Тел. №№
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b> 1. Нукус бўлими Нукус ш. Гарезсизлик кўчаси, 52-уй 7-48-82, 7-86-39 2. Кўнғирот филиали* Кўнғирот ш. Гарезсизлик кўчаси, 31-уй 2-39-79 3. Тўрткўл филиали Тўрткўл ш. Тўрткўл кўчаси, 56-уй 2-13-17, 2-16-19 4. Хўжайли филиали Хўжайли ш. Ломоносов кўчаси, 2-уй 4-23-28, 4-47-64 5. Чимбой филиали* Чимбой ш. Гагарин кўчаси, 24-уй			<b>Сухондарё вилояти</b> 48. Термиз бўлими Термиз ш., Ал-Термизий кўчаси, 7а-уй 4-59-66, 4-30-53 49. Жарқўрган филиали* Жарқўрган ш., туман маркази, Шифокор кўчаси 1-уй 50. Денов филиали Денов ш., Мустақиллик кўчаси, 47-уй 9-47-28, 9-47-38 51. Қумқўрган филиали* Қумқўрган штп., Ўзбекистон кўчаси 2-уй 52. Сарийосиё филиали* Сарийосиё ш., М.Улуғбек кўчаси 8-уй 53. Шеробод филиали* Шеробод ш, Алишер Навоий кўчаси, 20-уй		
<b>Андижон вилояти</b> 6. Андижон бўлими Андижон ш. Навоий кўчаси, 39-уй 4-38-40, 4-49-10 7. Асака филиали* Асака ш. А.Темур кўчаси, 27-уй 2-34-82 8. Избоскан филиали** Пойтуғ ш. Ж.Сиддиқов кўчаси, 17-уй 2-77-05 9. Кўргонтепа филиали Кўргонтепа ш. Шифокор кўчаси, 3-уй 1-21-79, 1-17-82 10. Марҳамат филиали** Марҳамат ш. Ипак йўли кўчаси, 126-уй 11. Пахтаобод филиали Пахтаобод ш. Шўро кўчаси, 2-уй 1-17-87 12. Хонобод филиали Хонобод ш. Улуғбек кўчаси, 25-уй 4-14-00, 4-10-63 13. Шахрихон филиали* Шахрихон ш. Шахрихон кўчаси, 4-уй 2-23-42			<b>Сирдарё вилояти</b> 54. Сирдарё бўлими Гулистон ш., Аҳмад Ясавий кўчаси, 48-уй 25-20-88, 25-25-10 55. Оқолтин филиали Сардоба пос., Омонғелди кўчаси, 2-уй 2-11-91, 2-15-74 56. Янгиер филиали* Янгиер ш. Ш.Рашидов кўчаси, 17-уй 72-40-42		
<b>Бухоро вилояти</b> 14. Бухоро бўлими Бухоро ш. Муҳаммад Иқбол кўчаси, 3-уй 3-69-73, 3-70-18 15. Вобкент филиали** Вобкент ш. Бобур кўчаси, 8-уй 16. Ғиждувон филиали Ғиждувон ш. Ёдгоров кўчаси, 45-уй 2-45-51 17. Когон филиали* Когон ш. Чкалов кўчаси, 2-уй 2-27-80 18. Қорақўл филиали* Қорақўл ш. Улуғбек кўчаси, 9-уй 5-26-86 19. Қоровулбозор филиали* Қоровулбозор ш. Воҳидов кўчаси 1-уй 20. Ромитан филиали* Ромитан ш. Шафигулин кўчаси, 11-уй 21. Шофиркон филиали* Шофиркон ш. Мустақиллик кўчаси, 7-уй			<b>Тошкент вилояти</b> 57. Тошкент вилояти бўлими Тошкент ш., Тарас Шевченко кўчаси, 29-уй 55-12-01, 54-89-09 58. Олмалиқ филиали* Олмалиқ ш., Хўжаев кўчаси 6-уй 5-36-31 59. Ангрен филиали* Ангрен ш. Оҳангарон кўчаси, 1-уй 3-05-79 60. Бекобод филиали* Бекобод ш., 3-микротуман, Пешакова кўчаси 1-уй 2-26-24 61. Бўстонлик филиали* Ғазалкент ш., Олтинсарин кўчаси 12-уй 62. Чирчиқ филиали* Чирчиқ ш., Навоий кўчаси, 253-уй 5-13-23, 5-14-23 63. Тўйтепа филиали* Тўйтепа ш., Тошкент йўли кўчаси, 56-уй 64. Янгийўл филиали* Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси 178-уй		
<b>Жиззах вилояти</b> 22. Жиззах бўлими Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй 3-26-76, 3-56-83 23. Мирзачўл филиали* Гагарин штп. Ўзбекистон кўчаси, 11-уй 2-24-27 24. Пахтакор филиали* Пахтакор штп. Ш.Рашидов кўчаси, 23-уй 3-11-23			<b>Фарғона вилояти</b> 65. Фарғона бўлими Фарғона ш., Ал-Фарғоний кўчаси, 69-уй 4-40-36, 4-59-81 66. Бешариқ филиали* Бешариқ ш., Олтин водий кўчаси, 111-уй 2-21-90 67. Бувайда филиали* Янги Қўрган пос., Ҳамза кўчаси, 4-уй 9-17-55 68. Водил филиали** Водил ш., Марғилон кўчаси 4-уй 2-13-84 69. Қўқон филиали Қўқон ш., Амир Темур кўчаси, 39-уй 3-79-39, 3-79-16 70. Қувасой филиали Қувасой ш., Навоий кўчаси, 2-уй 3-36-90, 3-28-62 71. Қува филиали* Қува ш., Ясавий кўчаси, 55-уй 5-16-95 72. Марғилон филиали Марғилон ш., Тўралар кўчаси, 234-уй 35-43-11, 35-43-07		
<b>Қашқадарё вилояти</b> 25. Қарши бўлими Қарши ш. Ўзбекистон кўчаси, 219-уй 4-49-21, 3-89-93 26. Ғузор филиали* Ғузор ш. Ўзбекистон кўчаси, 14-уй 2-15-25 27. Муборак филиали Муборак ш. Занжирсой кўчаси, 15/3-уй 2-10-31, 2-12-92 28. Шахрисабз филиали Шахрисабз ш., Ипак йўли кўчаси, 100-уй 4-24-08, 2-73-95 29. Янгиинишон филиали* Янгиинишон пос., Толимаржон тошкўчаси, 2-уй			<b>Хоразм вилояти</b> 73. Урганч бўлими Урганч ш., Пахлавон Маҳмуд кўчаси, 150-уй 6-26-44, 6-93-79 74. Гурлан филиали Гурлан ш. Маҳмуд кўчаси, 2-уй 5-16-77 75. Хонқа филиали* Хонқа ш., Ал-Хоразмий кўчаси, 2-уй 76. Ҳазорасп филиали Ҳазорасп ш., Ғ.Ғуллом кўчаси, 2-уй 2-42-83, 2-42-82 77. Хива филиали Хива ш., Мустақиллик кўчаси, 12-уй 3-62-37 78. Шовот филиали* Шовот ш., Тошауз кўчаси, 1-уй		
<b>Навоий вилояти</b> 30. Навоий бўлими Навоий ш., Ибн Сино кўчаси, 14- уй 3-93-34, 3-49-65 31. Зарафшон филиали Зарафшон ш., 3-микротуман, А.Темур кўчаси, ДДУ корпуси 4-31-62, 4-63-19 32. Учқудуқ филиали Учқудуқ ш., Амир Темур кўчаси, 45-уй 48-00, 49-98			<b>Тошкент шаҳри</b> 79. Тошкент шаҳар бўлими Тошкент ш., Ғ.Ғуллом кўчаси, 1-уй 144-82-20, 144-82-05 80. Акмал Икромов филиали* Фарҳод кўчаси, 54-уй 74-08-93 81. Бектемир филиали* Ҳ.Бойқаро кўчаси, 15-уй 82. Миробод филиали Банокатий кўчаси, 165-уй 93-08-35, 93-07-70 83. Мирзо Улуғбек филиали* Мирзо Улуғбек кўчаси, 66-уй 68-12-96, 68-02-42 84. Собир Раҳимов филиали Калон кўчаси, 54-уй 29-42-39 85. Сирғали филиали Сирғали, 6-уй 51-68-67, 56-97-84 86. Ҳамза филиали Элбек кўчаси, 28-уй 96-36-35 87. Чилонзор филиали* Халқлар дўстлиги кўчаси, 28-уй 76-36-91 88. Шайхонтоҳур филиали "Эски жўва" бозор майдони 42-25-01 89. Юнусобод филиали Юнусобод мавзеси, 11-даҳа, 32-уй 24-25-95, 24-38-28 90. Яқкасарой филиали Бобур кўчаси, 85-уй 50-96-53, 50-96-25 91. Академия бўлими Файзулло Хўжаев кўчаси, 31-уй 162-44-43, 162-37-64 92. Бош амалиёт бўлими Гоголь кўчаси, 95-уй 133-68-07, 133-36-88		
<b>Наманган вилояти</b> 33. Наманган бўлими Наманган ш., Нозим Намангоний кўчаси, 10-уй 6-50-30, 6-51-52 34. Косонсой филиали* Косонсой ш., Маҳмудий Аъзам кўчаси, 1-уй 2-20-86 35. Поп филиали* Поп ш., Ҳакимов кўчаси, 1-уй 36. Тўрақўрган филиали* Тўрақўрган ш., Тўрақўрган кўчаси 3-уй 2-27-67 37. Уйчи филиали Уйчи ш., Беруний кўчаси 32-уй 2-18-43 38. Учқўрган филиали Учқўрган ш., Дўстлик кўчаси, 18-уй 2-17-01, 2-15-01 39. Чортоқ филиали** Чортоқ ш., Мустақиллик кўчаси 6-уй 40. Чуст филиали Чуст ш., Чустий кўчаси, 23-уй 3-11-82, 3-11-23			<b>Самарқанд вилояти</b> 41. Самарқанд бўлими Самарқанд ш. Фирдавсий кўчаси, 7-уй 33-57-50, 31-23-21 42. Булунгур филиали* Булунгур штп., Булунгур кўчаси, 25-уй 33-41-17 43. Жомбой филиали Жомбой штп., Охунбоев кўчаси, 10-уй 33-65-09 44. Каттақўрган филиали Каттақўрган ш., Қора дарё кўчаси, 1-уй 33-62-99, 33-62-98 45. Нуробод филиали* Нуробод ш. Мустақиллик кўчаси 27-уй 46. Пастдарғом филиали** Жума пос., Самарқанд кўчаси 87-уй 47. Ургут филиали Ургут ш., Навоий кўчаси, 176-уй 33-62-97		

\* 1998 йил март ойдан бошлаб мижозлар билан ишлашга киришадиган филиаллар белгиланган;

\*\* 1998 йил май ойдан бошлаб мижозлар билан ишлашга киришадиган филиаллар белгиланган;

АЛ-ФАРҒОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИГА

Жуманиёз ЖАББОРОВ,  
Ўзбекистон халқ шоири

ЮЛДУЗЛАРГА БЕРСАМ БУТКУЛ МЕҲРИМНИ...

Жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошимиз Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қасир ал-Фарғоний таваллудига бу йил 1200 йил тўлаяди. Урта асрнинг қомусий олимларидан бўлиши ал-Фарғонийнинг улкан илмий жасорати, фаннинг турли соҳаларига оид китоблари ва амалий фаолияти Шарқу Фарғда унинг номини машҳур этди. Улуғ аждадомимиз, бобо-

калонимиз юбилейи республикамиз маданий ва маънавий ҳаётида унутилмас, ёрқин воқеа бўлиши табиийдир. Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборовнинг «Ал-Фарғоний» шеърӣ драматизда буюк олим ҳаёти лавҳалари қаламга олинган. Ушбу асардан бир лавҳа мухтарам газетхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Нотожан Тарсо қизи унинг ёнида пайдо бўлади.

Сапура ариясӣ  
Бўла имкон, малҳаминг бўлағӣ эдим,  
Енгинанега маҳраминг бўлағӣ эдим.

Сайр атрадо бу жаҳон манзилларин,  
Ҳар нафасда ҳамдониминг бўлағӣ эдим.

Шоо бўланг, юксалиб қўнғил қуши,  
Дил аро еганг шаминг бўлағӣ эдим.

Қўзларингга мен қувончлар баҳи этиб,  
Бир урғилк байраминг бўлағӣ эдим.

Фарғоний  
Нечун ёлғиз қолдинг ажралиб тўндан,  
Мени ҳайратларга солағӣ эй гул?

Сапура  
Мен сизни қузатиб қурман кўндан,  
Не бахтиш, вақт-соат етмишдир бу аёл.

Фарғоний  
(ажабланиб)  
Қандай?!

Сапура  
Китобдор дўкони олдидан сизни  
Тез-тез қўрағӣ эдим... қўзларингизни  
Китоблардан узмай ҳар шому сабоҳ  
Лабингиз тилларин... Ва чанқоқ ниҳон  
Саҳифалар мағзин сўқорар сўғ  
Гўё ҳар ҳарфини этиб тўтиё!

Гўёқим саҳрода аданган ташна,  
Борлигингиз китоб ичра жо эди,  
Ҳар китоб сиз учун бир дунё эди,  
Мени бу ҳолатини қузатиб зиндан  
Сизни қочирмадим оилар қўзимдан...

Ким сизу қайдансиз? Билмай дол эдим,  
Бир савод беришга мен беҳод эдим.  
Шўжрим, бугунги байрам баҳона,  
Борчасин аниқладим... мулки Фарғона  
Батрибин келмишгиз олғали билми,  
Бул ахши хабардин очилди дилим.

Бугун кўп савола бериб сиз жаваб,  
Улусдан олднгиз раҳмат ва савоб  
Мен-ку қўйла қолдим, эй доно илгит,  
Гар мазкур тўтсангиз, олдидан шу умид,  
Сиз билан дўст бўлиб қолсам умрбод,  
Алар руҳсат бўла, бўлар эдим шоо.

Фарғоний  
Тақдирим, минг имтиҳон ёғдир менга,  
Мен ажиб бир идоага учрадим.

Сапура  
Иккаласи меҳр тўла қўзлари билан  
Бир-бирларига боқишали.

Парла

Атрофи дарахтлар билан қуршалган яшил майдон.  
Бу ерда қатта сайил — Ийди Рамазон. Байрамога кийинган ёш-яланг, хотин-халаж, кеҳса-ю ёш курсандчилик қўладилар. Узи узун маҳсуе тайёрланган заррин тахта — халифа Мамун. Улуғ халифани муборакбод этиб, рақсалар ва шодиена авжланади. Мамун бу ерда ҳозир бўлган олим уламоларин фаҳр билан бирма-бир қўздан кечиради.

Мамун  
Барча мавлонолар бунда бўлиши жам,  
Ҳар бири бир дунё, машҳурӣ олам.  
Олимлар пайгамбар ворислари деб,  
Бекор айтилмаган улуғ Ҳадисда.  
Сизнинг ҳар бирингиз салтанатга зеб,  
Буюк устодларгиз ҳар бир мажлисда.

Олимлар  
Ташаккур, шаҳаниш, эҳтиром учун,  
Сиз улуғ ҳомишгиз... овалатга устун.

Мамун  
(Хоразмиёга мурожаат қилиб)  
Ҳўш, устод Хоразмий, сизда нечун гап,  
Борми юрт томондан бирор хушхабар?  
Кимдир ёшигизда турган ул йиғит?

Хоразмий  
Бу улуғ келмиш бизнинг томондан,  
Гуронзаминдан, доғу омондан.  
Фарғона сўлим, дилбар дийдир,  
Номи машҳурдир қадим замондан.  
(Йиғитини курсатиб)  
Унда баланддир фан иштиёқи,  
Аҳмаддир исми, ушад макондан.  
(Аҳмад тавзим қилади)

Мамун  
Азиз авлиёлар юрти ул дийр,  
Бул фарзанд илмин этиб иштиёр,  
Алар келан бўла, етсин муроғда,  
Эйтибдор қўрсатинг ёш истеъдодга.  
(Аҳмадга)  
Билурмисан, илм йўли оғир йўл,  
Унга осонликча уриб бўлмас қўл.

Олимлар  
Унга осонликча уриб бўлмас қўл!

Мамун  
То илм тоғида олмақ учун қон,  
Керақдир бир дунё қувваи имкон.

Олимлар  
(Такрорлаб)  
Керақдир бир дунё қувваи имкон!  
Фарғоний бош эгиб эшитилади.

Мамун  
Заминнинг қағрига тушмоқдир — илм,  
Юлдузлар оралаб учмоқдир — илм.  
Илм — зарралардан дунё яратмоқ,  
Заррада дунёни эта билмоқ жам.  
Илм — инсон йўли еритмоқ учун  
Ақл даҳосидан ёқмоқ сўнмас шам!

Олимлар  
(маъқуллаб)  
Ақл даҳосидан ёқмоқ сўнмас шам!

Фарғоний  
Ташаккур, шаҳаниш, иштифот учун,  
Сарф этгум илмга бор идрок қучим.

Мамун  
Ҳўш, қайси илмга сен кўпроқ мойил?

Фарғоний  
Илми фалақийет...

Мамун  
Яхши... кўп қойил.  
Ҳар ҳолада омақ бир иштилиш мавжуд,  
Бу ҳам ушга хос қатыят, субут.

Фарғоний  
Илми фалақийет тортур зехимини,  
Юлдузларга берсам буткул меҳримини.

Мамун  
Бағоят орузинг олижанобдир,  
Илмга мафтунлик беҳад савобдир.  
Ва лексин фалсафа, мантиқдан бошла...  
(Олимларга)

Фарғоний  
Қани, бул йиғитни синаш вақтидир,  
Яхши жаваб этса — унинг бахтидир.  
Олимлар Фарғонийга мураккаб саволлар  
бериб, уни синашга утадилар.

Савол:  
Недур ул нарсаким, ичда турар жой,  
Ичдан сиртега чиқиб, касб этур чирой?

Фарғоний  
(уйланиб)  
Айтганингиз Сўзидир, ичда тутар жой,  
Ичдан сиртега чиқиб, касб этар чирой.

Савол:  
Зеру забар нима, айлағи изҳор,  
Нима бепоёндир, нима ҳару зар?  
(Ҳамма саволни ўзича такрорлайди)

Фарғоний  
Забар маскан эрур қодир ҳудога,  
Узи раҳимодир арур самоғда,  
Забар беҳиш эрса, зер — бу жаҳаннам,  
Уз ўрнин топажак яхши-ёмон ҳам.

(«Офарин!», «Баракалло!» садолари)

Савол:  
Ул нимадур номи беҳад, фаровон  
Ва ҳар ерда эрур соҳибӣ фармон?

Фарғоний  
Уни хирад дерлар, номи мўл эрур,  
Инсонни мақсудга зилтар йўл эрур.  
Бирор меҳр дейди, бошқаси — вафо,  
Ақлу тафаккурдир ундаги маъно.  
Фаҳму фаросатдир ина бир номи,  
Зийраклик ва ростлик унинг давоми.

Савол:  
Қай фанда муҳассам энг буюк маъни?

Фарғоний  
Бу ўз-ўзини энгиб утмоқлик фани.

Савол:  
Энг тийрак кўз — нимадир ўзи?

Фарғоний  
У — инсонда басорат кўзи.

Савол:  
Недур ул, нақ етти қаватдир нўсти,

Ва кимдир унинг энг буюк дўсти?  
Фарғоний  
Етти қават эрур осмону само,  
Оллоҳдир энг буюк дўсту раҳнамо!

Савол:  
Нафсинг қайф-сафосин ким энгиб утгай?

Фарғоний  
Кимки Оллоҳ йўли мўқаддас тутгай.

Савол:  
Ҳақиқий илминг недур маъноси?

Фарғоний  
Билмаганин билиш — бош таманоси.

Савол:  
Дунёда энг улуғ кўзгу недур ул?

Фарғоний  
У инсон танида барқ урган кўнгул.  
Оламу кўрордир яғни уна от,  
Унда акс этадур буткул Қоноат,  
Олами нусуту олами лоҳут...

(«Офарин!», «Баракалло!» садолари)

Сўфий бин Юсуф  
(зарда ва жаҳд билан)  
Қўрғонга зид эрур бундоқ таслимот!

Фарғоний  
Марҳамат этмишлар улуғ пайгамбар:  
Кимки илм истаб йўл юрса асар,  
Оллоҳ жаннат йўли осон айлағай,  
Ушга бу шарафни эҳсон айлағай.

(«Валлоҳи аъзам!» деган ҳайрат садолари)

Яна Қўрғон ичра бор шундоқ оят,  
Тулин Ой юлдуздан равшандир гоят.  
Олимнинг обиддан афзаллиғи ҳам  
Шўнга нисбат эрур — мисли Ою шам!

(«Офарин!», «Во ажаб!» садолари)

Бир кеча тоат-ла бўлмақдин машгул  
Илмин бир соат зикр этмоқ мақбул.

Билинғим, шундайин ҳақиқат мавжуд:  
— Нафа намозидин илм яхшироқдир.

— Китобда бўла ҳам ўрган илмин,  
Дема захматни кўп, йўли йироқдир.

— Муқаддас Ҳадисда сўз ушбу тарздир:  
Мусулмон айлу мусулмон эрса  
Илм олиш ҳуқуқи баробар фарздир,  
Алҳамдулиллоҳ!  
(«Баракалло!», «Офарин!» садолари)

Мамун  
(мамнуният билан)  
Бу йиғит албатта етқай муроғда,  
Эйтибдор қўрсатинг ёш истеъдодга.  
Тоқим «Байтул ҳикма» дарсоҳи бўлсин,  
Барча илмларинг озоҳи бўлсин.

Рақс, мусиқа ва Наврўз байрами тантаналари давом этади. Барчани ўзига маҳдиё этиб рақс тушаётган Тарсо қизи Сапура ёш Фарғоний диққатини ўзига тортаётгани сезилиб туради.

Мамун шох ва аёғи ақобирлар ўринларидан туришиб, мамнун бир қиёфада тарқалишди. Саҳнада Фарғоний ёлғиз қолади. У сеҳрланган бир ҳолатда, ҳамма воқеа худди тушида кечгандай лолу ҳайрон.

Фарғоний  
Ҳайрато, мен не балага учрадим,  
Соҳиру кўзи қарога учрадим.

Туши осмонданми, ердан чиқди ё,  
Ишқ аро не можарога учрадим.

Тақдирим, минг имтиҳон ёғдир менга,  
Мен ажиб бир идоага учрадим.

Базм аро рақс айлабон зеби санам,  
Мени дарди бедавога учрадим.

Фарғоний саҳнада ёлғиз ёнади, уртанади.

Азиз тавассуллар ва ҳалиқасблар!  
Қадрли акциядорлар ва тижорлар!  
Ихтисослашган акционерлик-тижорат  
«ПАХТА-БАНК»  
Кенгаши ва Бошқаруви  
Сиз азизларни уйғониш, янгилавиш ва яшариш  
фасли бўлмиш баҳорнинг энг нуфўзли байрами  
Наврўзи олам  
билан самимий муборакбод этади!  
Қутлуғ Наврўз айёми ҳаммангизнинг оилангизга хуш кайфият, тинчлик-тотувлик,  
хонадонингизга файзу барака олиб кирсин!  
Мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажакини бунёд этиш  
йўлидаги сазй-ҳаракатларингизда Сизларга омад ёр бўлсин!  
«Пахта-Банк» Кенгаши «Пахта-Банк» Бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси «Мадал» суғурта агентлиги  
Марказий аппарати Сурхондарё вилоят филиали директори Уткир Холиқовнинг волидан маҳтарамаси  
Оллоқ ВАЛИЕВНИНГ  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон радиоси жамоаси «Спорт» муҳарририятининг қатта муҳаррири Тулқин Илҳомовга волидан мухтарамалари  
ҚУМРИ аянинг  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдарлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетининг ахборотлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Р. У. Раҳматуллаевга отаси  
Уроқ ота РАҲМАТУЛЛАЕВНИНГ  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узултуржимеасабзавот» республика акционерлик компаниясини Қашқадарё вилоят матбуот кооперациясининг собиқ бошқаруви раиси  
Сапар ОМОНОВНИНГ  
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур ҳамдарлик билдиради.

«Контрактсервис-Оби» масъулияти чекланган жамияти жамоаси бош директор Журбат Ваҳобовга волидан мухтарамалари  
Мастироҳон АЪЗАМОВНИНГ  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БОШ МУҲАРРИР  
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:  
Парламент 133-57-34;  
Хўш ва ҳоличилик 136-07-94;  
Ихтисослашган 136-36-65;  
Қишлоқ ҳўжага 136-37-85;  
Мавлаишат 136-35-60, 132-10-65;  
Ҳафтар 136-29-89, 133-07-48;  
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;  
Ҳаққоро ҳаёт 132-11-15;  
Котибият 133-10-28;  
Эълонлар 136-09-25.

Рўнхатдан Утиш тартиби № 0001  
Буюртма Г — 01062, 42797 нуسخа босилди,  
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2

Газета ИВМ компьютерида терилди  
ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва  
Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тоткент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.  
Навбатчи — А. Жўраев.  
Мусаҳҳах — Ш. Матраббобов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси,  
41. Босишга топириш вақти—21.00 Босишга топирилди: 21.00 1 2 3 4 5 6